

**НАФАС ОЛИШ ТИЗИМИДАГИ ВЕГЕТАТИВ
ИННЕРВАЦИЯСИНИНГ ЁШГА ДОИР ДИНАМИКАСИ**

ЮЛДАШЕВА Н. Б. БЕЛЯЛОВА Л. Э. ХУСАНОВ Т.Б.

Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети, Ўзбекистон, Самарқанд.

ynilufar242@gmail.com

Аннотация. *Тадқиқот мақсади қуёнларда постнатал ривожланиши жараёнида ўпканинг холинергик ва адренергик структуралар ҳолатини таққосий баҳолаш. В.Н. Швалов ва Н.И.Жучков методлари бўйича 2% глиоксил кислотаси эритмаси инкубациясидан кейин адренергик нерв тузилмалари аниқланди. Карновский – Рутс методи бўйича холинергик толаларни аниқлашда музлатилган кесмаларга ишлов бериш натижасида ўрганилди. Аниқланишича, қуёнлар ўпкасининг постнатал ривожланиши ўпканинг вегетатив нерв системаси мураккаблашиши кузатилди. Қон томирлар ва бронхларни симпатик иннервациясида яққол ўзгаришлар аниқланди.*

Калит сўзлар: *Ўпка, постнатал онтогенези, адренергик нерв толаси, холинергик нерв толаси.*

Кириш. Аъзоларнинг функционал ҳолати турли регулятор структураларни ўзаро боғлиқлиги натижасида намоён бўлади. Постнатал ривожланишда организмдаги ўзгаришлар адаптацион жараёнлар аъзолар регулятор тузилмалар морфофункционал ҳолати билан бирга намоён бўлади.

Тадқиқот мақсади. Тадқиқот олиб борилаётган ҳайвонларнинг постнатал ривожланиши даврида ўпка структурасининг адренергик ва холинергик ҳолатини таққосий баҳолаш.

Материаллар ва усуллар. Тадқиқот жараёнида туғилганига 3 кундан 180 кунгача бўлган (жами 47 та ҳайвон) қуёнларнинг ўпка тўқимаси ўрганилди. Жами ҳайвонларда ўтказилган амалиётда биоэтик нормаларга қатъий риоя

қилинди. Ўпканинг тўқимаси компонентларини ўрганиш жараёнида аъзоларни фиксация қилиш учун формалиннинг 12% нейтрал эритмаси, Буэн суюқлиги ва парафиндан фойдаланилди. Парафинли кесмалар Ван – Гизон усули бўйича гематоксилин ва эозин бўёқлари билан бўялди.

Тадқиқот натижалари. Нерв тузилмаларини (адренергик ва холинергик толалар) аниқлаш учун криостат микротомда ўпка тўқимасининг музлатиш усули билан ўтказилди. В.Н.Швалёв ва Н.И.Жучков усуллари бўйича глиоксил кислотасининг 2% эритмасида музлатилган кесмалар инкубация қилинди. люмам – из люминловчи микроскоп остида моноамин тузилмалар сақловчи структуралар текширилди. Бундан ташқари музлатилган кесмалар холинергик толаларни аниқлаш учун Карновский – Рутс усулида қайта ишлов берилди. Туғилганига 3 кун бўлган куёнларнинг кичик ва ўрта бронхлар атрофида улар аниқланмади. Туғилганига 7-10 кун бўлган куёнларда биринчи ўрта бронхларда, кейинчалик кичик бронхларда адренергик толалар аниқланиши кузатилади. Шу қаторда ўпканинг эндокрин аъзолари тизимида люминенцияловчи адренергик нерв толалари моноаминлар (апудоцитлар, нейроэпителиал таналар) сақлайди. Терминал қисмларида варикоз кенгайишларнинг кузатилиши, бу қисмда катехоламинларнинг тўпланишидан дарак беради. Ботиб кирган ўрта қатламда варикоз кенгайишлар ҳосил бўлиб, ҳар хил ўлчамдаги артериялар атрофидаги адренергик толалар ёрқин люминенциялашиши кузатилади. Туғилгандан кейин 10 кун давомида холинергик нерв толалари бронхларнинг таркибида энг кичик тармоқларгача бўлиниб, респиратор қисмгача кириб боради.

Хулоса. Ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, постнатал ривожланиш босқичида ўпканинг иннервацияси мураккаблашиб бориши намоён бўлади. Қон томирлар ва бронхларнинг симпатик иннервацияси муҳим ўзгаришларга учрайди. Қон томирлар деворидаги чигалларнинг мураккаблашиши дистал йўналишидаги бронхлар адренергик толалар сонини ошишига олиб келади. Холинергик иннервация тўғриқдан кейинги даврда бронхлар деворларининг тутамлари сонини ошиши билан характерланади.

Адабиётлар

1. Айсанов З.Р., Новиков Ю.К. Антихолинергические препараты в лечении хронической обструктивной болезни легких // Пульмонология, 2012. № 5(10). Бет.9-13.
2. Блинова С.А., Орипов Ф.С., Дехканов Т.Д. Морфофункциональные особенности нейроэпителиальных телец в респираторном отделе легких // Вестник науки и образования, 2020. № 10 (88). Қисм 3. Бет. 82-85.
3. Блинова С.А., Хамидова Ф.М., Юлдашева Н.Б. Структурные и молекулярные особенности эндотелия кровеносных сосудов легких.// Проблемы биологии и медицины. 2021. №2.Бет.251-255.
4. Блинова С.А., Юлдашева Н.Б., Хотамова Г.Б. Морфофункциональные свойства сосудов легких при бронхоэктатической болезни у детей // Вопросы науки и образования, 2021. № 10 (135). Бет.60-65
5. Орипов Ф.С., Дехканов Т.Д., Блинова С.А. Пре- и перинатальный онтогенез тканевых и иммунных структур слизистой оболочки тонкого кишечника кроликов// Вестник науки и образования, 2020. № 12(90). Қисм 3. Бет.97-102.